

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОИДАЛАРНИ ВА НИЗОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети Юриспруденция таълим йўналиши 3-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6981555>

Аннотация. Ушбу мақолада контрактация шартномаси билан боғлиқ қоидалар, унинг бозор иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, шартнома предмети ва тарафлари, унинг ҳуқуқий белгилари, контрактация шартномаси намунаси ва ушбу шартнома билан боғлиқ низолар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: контрактация шартномаси, қишлоқ хўжалик маҳсулоти, тайёрловчи, давлат контракти, консенсуал, режали келишув, эркин келишув, контрактантлар.

ВОПРОСЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРАВИЛ И СПОРОВ, СВЯЗАННЫХ С ДОГОВОРОМ КОНТРАКТАЦИИ

Аннотация. В данной статье упоминаются положения, касающиеся договора контрактации, его роль и значение в условиях рыночной экономики, предмет и стороны договора, его правовые признаки, образец договора контрактации и споры, связанные с этим договором.

Ключевые слова: договор контрактации, сельскохозяйственная продукция, производитель, государственный контракт, консенсуальный договор, плановый договор, свободный договор, контрагенты.

ISSUES OF REGULATION OF RULES AND DISPUTES RELATED TO THE CONTRACTING AGREEMENT

Abstract. This article mentions the provisions relating to the contracting agreement, its role and significance in a market economy, the subject and parties to the agreement, its legal features, a sample contracting agreement and disputes related to this agreement.

Keywords: contracting agreement, agricultural products, manufacturer, state contract, consensual agreement, planned agreement, free agreement, contractors.

КИРИШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида фермер хўжаликлари фаолиятини самарали олиб боришда шартномавий муносабатларни тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни таркиб топиши ва қўлланилиши тарихи жуда қадимий бўлиб, унинг илдизлари феодалистик ишлаб чиқариш усулига бориб тақалади. Собиқ Иттифоқ даврида шартномалар ўзининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини йўқотиб, кўпроқ маъмурий буйруқбозлик воситасига айланиб қолган эди. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан мулкчиликнинг ва унга мос ҳолда хўжалик юритишнинг янги шакллари, айниқса хусусий тадбиркорликни ривожланиши асосида шартномавий муносабатларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тутган ўрни ва аҳамияти кескин ортиб бормоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар учун ҳам шартномалар институтининг умумий тамойиллари бўлган шартномаларни тузиш эркинлиги, тарафларнинг ўзаро

манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш, тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги тамойиллари хос бўлса-да, бу шартномалар ўзининг айрим хусусиятлари билан бошқа хўжалик шартномаларидан фарқланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик соҳасида қўлланиладиган шартномалар юридик адабиётларда алоҳида тадқиқотлар объекти бўлиб келган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хослиги шундаки, бунда шартнома предмети бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни, биринчи навбатда, табиий иқлим шароитлари, экинларнинг касалланиши ва ҳ.к. (форс-мажор ҳолатлар) га боғлиқлиги бу соҳада тузиладиган шартномаларнинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Шу нуқтайи-назардан қараганда, контрактация шартномаси ҳам қишлоқ хўжалик тизимида фаолият юритадиган барча мулк шаклларидаги корхоналар, хусусан, қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан маҳсулот харид қилувчи (тайёрловчи, савдо, қайта ишловчи) ўртасида тузиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Контрактация шартномаси иқтисодий мазмун жиҳатдан олди-сотди шартномасининг бир туридир. Лекин у ўзига хос ҳуқуқий белгилари билан олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан ажралиб туради.

Контрактация шартномасига тариф *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 465-моддасида белгиланган бўлиб*, унга асосан контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, контрактация шартномасига нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги қоидалар, тегишли ҳолларда эса давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга доир давлат контракти тўғрисидаги қоидалар қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353-моддасида шартнома сўзига қуйидагича таъриф берилган, яъни икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви *шартнома* дейилади.

Контрактация шартномасининг ҳуқуқий белгилари:

биринчидан, консенсуал бўлиб, шартнома тарафлар ўртасида келишиб (тузилиб) имзолангандан сўнг дарҳол кучга киради ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди;

иккинчидан, у икки томонлама бўлиб, шартномада хўжалик ва тайёрловчи ўзларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар олади;

учинчидан, у ҳақ бараварига тузилади, яъни етказиб берилган маҳсулот эвазига иккинчи тараф унинг ҳақини тўлашга мажбурдир;

тўртинчидан, шартнома ҳам режали, ҳам эркин келишувда бўлиши мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Таъкидлаш жоизки, бугунга келиб контрактация шартномасида қатнашувчи тарафларнинг таркибий қисмида жиддий ўзгариш юз берди. Яъни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартнома бўйича ишлаб чиқарчи ва сотувчилар турли шаклдаги

(оммавий ва хусусий) мулк асосида фаолият кўрсатувчи давлатга қарашли ёки хусусий корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик ширкатлари бўлиши мумкин.

Контрактация шартномасининг тарафлари бўлиб, бир томондан мулкчилик шаклидан қатъий назар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжалик жамоалари, корхоналари, маҳсулотни етиштиришда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, иккинчи томондан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи ташкилотлар, уни қайта ишловчи ёки қайта ишламасдан сотиш учун харид қилувчи ташкилотлар ва корхоналар қатнашади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи хўжаликлар сифатида қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, шартномада контрактантлар сифатида давлат буюртмасини амалга оширувчи тайёрлов, савдо, қайта ишловчи корхоналар ва ташкилотлар ҳам иштирок этишлари мумкин.

МУҲОКАМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солиб, уларни ҳудудий туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиботларини олиб боради.

Жумладан, хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган барча турдаги шарномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ўз ваколатлари доирасида хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида давлат эҳтиёжлари учун шартномалар тузилиши ва бажарилиши бўйича ишларни мувофиқлаштириб боради.

Контрактация шартномалари, шунингдек, моддий-техника етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календарь йили бошланишидан кечикмай тузилиши лозим. Контрактация шартномалар тузилиш жараёнида туман Фермерлар кенгашининг шартномавий муносабатлари бўйича мутахассислари иштирокида амалга оширилиши лозим.

Шартнома томонлардан ҳар бири ва туман қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эга.

Контрактация шартномаси ҳақида шунча гапиргандан кўра, келинг, ушбу шартноманинг нусхаси билан тўлиқ танишиб чиқамиз.

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

Шартнома тузилган сана

Шартнома тузилган ҳудуд

Кейинги ўринларда “Етиштирувчи” деб Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектнинг номи Етиштирувчи корхонанинг фаолиятини белгиловчи ҳужжат тури асосида ҳаракат қилувчи Ходимнинг лавозими ва Ф.И.О. орқали бир томондан, кейинги ўринларда “Тайёрловчи” деб аталадиган Тайёрловчи корхонанинг номи, Тайёрловчи корхонанинг фаолиятини белгиловчи ҳужжат тури асосида ҳаракат қилувчи Ходимнинг лавозими ва Ф.И.О. иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномасга мувофиқ Етиштирувчи шартноманинг Шартноманинг тегишли банди кўрсатилади-бандида кўрсатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – Тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, Тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

1.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Нави	ГОСТ, ОСТ, ТШ	Топшириш муддати	1 кг. учун баҳо	Ўрами қиймати (сўм)
1.							
2.							

2. Тарафларнинг мажбуриятлари

2.1. Етиштирувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

амалдаги стандартлар, техник шартлар талабларига жавоб берадиган маҳсулотни сотиш;

маҳсулот топширилишидан камида Маҳсулот тайёрлиги тўғрисида хабар бериш муддати кун олдин унинг тайёрлиги тўғрисида Тайёрловчини хабардор қилиш, ушбу шартнома билан белгиланган муддатларда маҳсулотни топшириш муддатларига амал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, топшириш муддати бошланишидан камида Буюртма бериш муддати кун олдин бу ҳақда Тайёрловчини хабардор қилиш;

келишилган нархлар бўйича Қабул қилиш вақтидан кечиктирмасдан ўғитларга, кимёвий моддаларга, қишлоқ хўжалик инвентарларига, емишларга, идишларга ва ҳоказоларга бўлган талабини аниқлаш ва буюртма бериш.

2.2. Тайёрловчининг мажбуриятлари:

қонун ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда ва муддатларда авансни, давлат буюртмасига эга бўлмаган бошқа турдаги маҳсулотлар бўйича эса тарафлар келишган миқдорда ва муддатларда тўлаш;

йиғиб олинган маҳсулотларни жойлаштириш учун Етиштирувчини қуйидаги миқдорда ва ассортиментдаги идишлар билан таъминлаш:

яшиқлар Яшиқлар сони дона, қошлар Қошлар сони дона;

йиғиб олинган маҳсулотларни қабул пунктига олиб чиқиш учун автотранспорт бериш, йиғиб олинган маҳсулот Етиштирувчининг транспорти билан олиб чиқилганда маҳсулотни юклаш ва ташиш харажатларини тўлаш;

ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатда Етиштирувчидан маҳсулотнинг биринчи навбатда қабул қилинишини таъминлаш. Маҳсулотни сифати ва миқдори бўйича қабул қилишни Маҳсулотни сифати ва миқдори бўйича қабул қилиш тартибида амалга ошириш;

Етиштирувчининг қуйидаги техника воситалари ва материалларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва сотиб олишида ёрдам бериш:

- ўғитлар Ўғитлар миқдори
 - кимёвий дорилар Кимёвий дорилар миқдори
 - идишлар Идишлар сони
 - қишлоқ хўжалик инвентарлари Қишлоқ хўжалик инвентарлари сони;
- ушбу шартнома билан келишилган баҳода маҳсулот ҳақини тўлаш.

3. Шартнома суммаси. ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Ушбу шартнома Шартноманинг умумий суммаси ташкил этади.

3.2. Тайёрловчи топширилаётган маҳсулот ҳақини маҳсулот Тайёрловчининг қабул пунктида миқдори ва сифати бўйича қабул қилинган пайтдан бошлаб Тўлов муддати муддати кун ичида тўлайди. Топширилаётган маҳсулотларнинг ҳақини тўлаш учун ушбу шартномада назарда тутилган тарозидан товар миқдорини аниқлаш, навини аниқлаш, баҳони келишиш, сифатсиз маҳсулотни ажратиш далолатномалари асос бўлиб хизмат қилади.

3.3. Муддатидан олдин, шунингдек шартномада белгиланганидан ортиқ миқдорда топширилаётган маҳсулотлар мазкур шартнома шартлари асосида қабул қилинади.

4. Тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги

4.1. Барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган Етиштирувчи Тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг Маҳсулот ўз вақтида берилмаганда Етиштирувчи томонидан тўланадиган жарима миқдори фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

4.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини шартномада белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳол учун Тайёрловчи Етиштирувчига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб, қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг Маҳсулот қабул қилишдан бош тортганда Тайёрловчи томонидан тўланадиган жарима миқдори фоизи миқдоридан жарима тўлайди, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса – унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли Етиштирувчи кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

4.3. Қабул қилиш-топшириш жойига етказиб келтирилган маҳсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилганда Тайёрловчи Етиштирувчига уни етказиб келиш харажатларини қоплайди.

Етиштирувчи маҳсулотни ўз жойида топшириш-қабул қилишга тайёрлаб қўймаган ва бу ҳақда Тайёрловчини огоҳлантирмаган бўлса, Тайёрловчи эса қабул қилиш жойига

транспорт юборган бўлса, Етиштирувчи Тайёрловчига транспорт ва транспортнинг бекор туриб қолиши бўйича барча харажатларни қоплайди.

4.4. Ушбу шартномага мувофиқ топширилган (юклар жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (Етиштирувчига тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов талабномаси акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) Тайёрловчи Етиштирувчига тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг Тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганда Тайёрловчи томонидан тўланадиган жарима миқдори фоизи миқдоридagi жаримани ҳамда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдоридa, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеняни тўлайди.

4.5. Тайёрловчи ёки Етиштирувчи томонидан маҳсулот учун ҳисоб-китобларда (айни бир маҳсулотга такрор ҳақ тўлаганда, маҳсулот нархи нотўғри қўлланилганда, товарсиз тўлов талабномасига ҳақ тўланганда ва шу кабиларда) ортиқча олинган пул суммалари қайтарилмаган ҳолда айбдор тараф бу суммани қайтаради ва бошқа тарафга бу пул фойдаланилган барча давр учун йилига Нотўғри ҳисобланган пул учун айбдор томонидан тўланадиган фоиз миқдори фоизи миқдоридa даромад тўлайди.

4.6. Товар-транспорт ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортганлик ёки нотўғри расмийлаштирилганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир товар-транспорт ҳужжатига энг кам ойлик иш ҳақининг Товарни нотўғри расмийлаштирилганлик учун айбдор томон тўлайдиган жарима миқдоридa жарима тўлайди.

4.7. Етиштирувчини стандартлар ва техник шартлар талабларига жавоб берадиган идиш ва ўраш материаллари билан, маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда таъминламаганлиги учун Тайёрловчи Етиштирувчига етказиб берилмаган идиш, мих ва ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг Тайёрловчи томонидан Етиштирувчига етказиб берилмаган идиш, мих ва ва бошқа нарсалар учун тўланадиган жарима миқдори баравари миқдоридa жарима тўлайди. Тайёрловчининг Етиштирувчини идиш билан таъминлама-ганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, Тайёрловчи кўрсатилган жаримадан ташқари Етиштирувчига кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди. Сифатнинг пасайганлиги ёки маҳсулотнинг бузилганлигини ваколатли давлат идораси аниқлайди.

Тайёрловчи Етиштирувчига етказиб берган идишни шартнома амалда бўлиш муддати тугагандан сўнг қайтарилмаганлиги учун Етиштирувчи Тайёрловчига қайтарилмаган идиш қийматининг Етиштирувчи қайтармаган идишлар учун тайёрловчига тўлайдиган жарима миқдори баравари миқдоридa жарима тўлайди.

4.8. Етиштирувчига тарафлар ўртасида келишилган жадвалга мувофиқ маҳсулот учун келган транспортнинг белгиланган муддатдан ортиқ (асосий ва қўшимча вақт меъёрларидан ортиқча бекор туриш) бекор туриб қолганлиги учун Етиштирувчи Тайёрловчи олдида амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Тайёрловчи маҳсулотни етказиб келган транспортни маҳсулотни юклаш, унинг сифатини аниқлаш, топшириш – қабул қилиш, ҳужжатларини расмийлаштириш,

маҳсулотни тушириш ва қабул қилиш учун белгиланган вақт меъеридан ортиқ бекор туриб қолганлиги учун Етиштирувчи олдида худди шундай жавобгар бўлади.

4.9. Етиштирувчи ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгарликдан, агар улар табиий офатлар ва бошқа ноқулай шароитлар туфайли ёки Тайёрловчининг айби билан содир бўлган бўлса, тегишли асослашлар ва тегишли ваколатли органнинг хулосаси бўлган тақдирда озод этилади.

4.10. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

5. Қўшимча шартлар

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда тузилган ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига зид келмаган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади. Улар ёзма шаклда тузилган, иккала тараф томонидан имзоланган ва ваколатли давлат органи томонидан рўхатга олинган бўлиши шарт.

5.2. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган бошқа низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

5.3. Шартнома бир йилга бир марта тарафлар келишган миқдордаги ва ассортиментдаги маҳсулотга тузилади ва имзоланган пайтдан бошлаб Шартнома амал қилиш муддати гача амал қилади.

5.4. Шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, биринчиси Етиштирувчида, иккинчиси Тайёрловчида ва учинчиси Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими жойлашган ҳудуд Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида сақланади.

5. Тарафларнинг реқвизитлари

Етиштирувчи:

Етиштирувчи корхонанинг номи
Етиштирувчи корхонанинг ҳисоб рақами
Ваколатли шахснинг ф.и.о. ва имзоси

Тайёрловчи:

Тайёрловчи корхонанинг номи
Тайёрловчи корхонанинг валюта ҳисоб рақами
Ваколатли шахснинг ф.и.о. ва имзоси

Денов туманлараро иқтисодий суди ва фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманлари ҳудуди бўйича иқтисодий ва фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқади. Суд томонидан ҳудудлар кесимида қайси турдаги низолар кўпайгани ўрганилганда, Денов туманида 2020 йил 12 ойида контракция шартномалари бўйича низолар кўпайгани аниқланди.

Жумладан, Денов туманлараро иқтисодий суди томонидан Денов тумани бўйича кўрилган контракция билан боғлиқ низолар 2018 йилда эса 68 тани, 2019 йилда 76 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу соҳада судда кўрилган низолар 233 тани ташкил этган. Яъни 2020 йилда ўтган йилларга нисбатан кўрилган низолар сони 3 баробар ўсган. Суд томонидан бу соҳаларда кўрилган низоларни келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда,

бундай низоларнинг кўпайишига тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги, тўлиқ англамаётгани, ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатларини тўлиқ тушуниб етмаётгани сабаб бўлаётгани аниқланди.

ХУЛОСА

Халқимизда бир нақл бор. Касалликни даъволагандан кўра, уни олдини олиш афзалдир. Шу сабабли судларимиз томонидан бундай низоларни камайтириш учун халқ ўртасида учрашувлар ўтказиб, ушбу турдаги низолар бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятлари ҳақида тушунча берилиб келинмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Шунинг билан бирга, фермер хўжалиги томонидан контрактация шартномалари бажарилмаганлиги, ернинг экологик ва мелиоратив ҳолати ёмонлаштирилганлиги, ер участкасидан одилонга фойдаланилмасдан, ҳосилдорлик нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганлиги сабабли ер ижараси шартномасини бекор қилиш тўғрисида киритилган даъво аризаларини кўришда иқтисодий судлар бу талаблар қандай сабабларга кўра фермер хўжалиги томонидан бажарилмаганлиги ҳолатларини чуқур ўрганиб чиқишлари, контрактация шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликка тортишда тегишли мутахассисларни жалб этиб, давлат буюртмаси ернинг ҳосилдорлигига мос равишда белгиланганлигига, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз шартнома мажбуриятларини қай даражада бажарганлигига, табиий шароитлар ёки бошқа форс-мажор ҳолатларга эътиборларини қаратади.

REFERENCES

1. Абдусаломов М. Синдаров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик шартномалари. Т.: “Консаудитинформ” 2002. 17-бет;
2. <https://lex.uz/docs/180552>;
3. https://andijon.adliya.uz/main/uz/interaktivnye-uslugi/sizning-savolingiz/title.php?ELEMENT_ID=12096;
4. <https://yurxizmat.uz/uz/document/79> ;
5. <http://asrnews.uz/8613/>.
6. Юсупова Ф. СТАТЬЯ 40 КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН КАК ГАРАНТИЯ РЕПРОДУКТИВНЫХ ПРАВ ГРАЖДАН //Review of law sciences. – 2020. – Т. 3. – №. Спецвыпуск. – С. 60-65.
7. ТЕЛЕМЕДИЦИНСКИХ, ИСТОРИЯ РАЗВИТИИ И ПРИМЕНЕНИИ, and ТЕХНОЛОГИЙ В. РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. "GOSPODARKA I INNOWACJE."